

МАРД ПОСБОНЛАРИ БОР ХАЛҚНИНГ ЭРТАНГИ КУНГА  
ИШОНЧИ МУСТАҲКАМ, ҒУРУР-ИФТИХОРИ БАЛАНД БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 13 январдаги фармониға мувофиқ, мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бир гуруҳ ходимлари ҳарбий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

14 январь куни Президент Администратциясида ушбу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини барча ҳарбий хизматчиларни ва соҳа фахрийларини

мазкур шонли сана билан табриклади. — Мустақиллигимизнинг 30 йиллигида Қуролли Кучларимиз ташкил топиб,

фидойи аскарлар, офицер ва генераллар етиштириб, зарур аслаҳалар билан таъминланиб, бугун мана шундай етук

армияга айланди. Бу жонажон Ватанимиздаги тинчлик, барқарорлик, ҳалқимизнинг осойишта яшашига замин бўляпти, — деди Шавкат Мирзиёев.

Сўнгги йилларда мудофаа тизимининг жанговар салоҳиятини ошириш бўйича жуда катта ишлар қилинди. Ҳарбий бошқарув тизими деярли янгидан барпо этилди. Ҳарбий-маъмурий секторлар тузилди. Қўшин турлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш бўйича таъсирчан механизмлар йўлга қўйилди. Энг мураккаб вазифаларни ҳам тезкорлик билан бажаришга қодир бўлган бўлинмалар ташкил этилди. Қўшинларнинг жанговар ва руҳий тайёргарлик даражаси ошди.

Қуролли Кучлар Академияси, янги ташкил этилган Ҳарбий-тиббиёт академияси, “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейлари ва бошқа ихтисослаштирилган ўқув юртлири профессионал кадрлар тайёрлаш масканларига айланиб бормоқда. Ёшлар ўртасида ҳарбий хизматга қизиқиш ва интилиш кучаймоқда.

Ҳар йили Ватан ҳимоячилари куни арафасида Хавфсизлик кенгаши йигилиши ўтказилиб, соҳада бажарилган ишлар ва навбатдаги муҳим вазифалар муҳокама қилиб борилмоқда.

— Кечаги йиғилишда биз муносиб куч-қудратимизни бундан ҳам мустаҳкамлаш, ҳар бир йўналишда илмни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш бўйича катта режалар қабул қилдик. Дунёда ва минтақамизда бўлаётган таҳликали воқеаларни чуқур таҳлил қилиб, ҳалқимизнинг тинчлиги, чегараларимиз дахлсизлиги бўйича қўшимча чоралар кўрамиз. Биз фақат ўз кучимизга ишонамиз, — деди Олий Бош Қўмондон.

Ватан ҳимоячилари билим ва фазилатлари билан ёшларга намуна бўлиш кераклиги таъкидланди.

— Ҳарбий округларга, ҳарбий-маъмурий секторларга мен қўйган энг катта вазифа — ҳалқ билан армия бирлигини

таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш ҳақида бўлди. Бунда сизлар етакчи, ҳар бир ҳаракатингиз билан ёшларга намуна бўласиз, деб ишонаман, — деди давлат раҳбари.

Инсон қадрини улуғлаш тамойили бу соҳада ҳам намоён. Ҳарбий хизматчилар учун муносиб хизмат ва яшаш шароитлари яратилмоқда. Хусусан, сўнгги беш йилда 10 мингга яқин ҳарбий хизматчи имтиёзли кредитлар асосида уй-жой билан таъминланди. Улар хизмат муддатини ўтаб бўлганидан кейин иш ва тиббий хизматлар билан таъминланиши ҳам эътиборда.

Бугун байрам муносабати билан жойларда ўтказилаётган тадбирлар, ватанпарварларга топширилаётган мукофотлар ҳам инсон қадрини улуғлашнинг яна бир намунаси.

Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев унвон тўғрисидаги гувоҳномаларни, орден ва медалларни тантанали равишда топширди. Ватан ҳимоячиларига сўхат-саломатлик, зиммасидаги олижаноб вазифаларни самарали адо этишда улкан зафарлар тилади.

— Афсуски, ҳамма мукофотланганларни бу залга йиғишнинг иложи йўқ. Лекин барча мукофотланганларни, бугун келолмаганларни ҳам давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан чин дилдан табриқлайман. Мукофот бу — эътибор, ҳалқимизнинг ишончи тимсоли. Бу сизларга руҳ, куч-ғайрат бағишлаб, янги-янги муваффақиятларга ундаши керак. Мард посбонлари бор халқнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкам, ғурур-ифтихори баланд бўлади, — деди Президент.

Сўзга чиққанлар юксак мукофот ва доимий эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати сурати.

## МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ!

ХАЛҚИМИЗ ДОВЮРАК ФАРЗАНДЛАРИ —  
ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ БИЛАН  
ҲАҚЛИ РАВИШДА ФАХРЛАНАДИ

Пойтахтимиздаги “Халқлар дўстлиги” саройида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.



Мамлакатимиз бўйлаб миллий армиямиз ташкил этилганининг шонли санаси ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни байрами кенг нишонланмоқда.

Шу муносабат билан “Халқлар дўстлиги” саройи олд майдони ҳам ўзгача тус олган. Майдон ўртасида Ватанимиз байроғи ҳилпираб турибди. Ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар намоиши, ҳарбийлар

ҳаётидан сўзловчи кўргазмалар бу ерга таширф буюрган ёшу қари, пойтахтимиз меҳмонлари, барча юртдошларимизда катта таассурот қолдирмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

## МУНОСАБАТ

ТАЪЛИМСИЗ ТАРАҚҚИЁТ,  
ИЛМ-ФАНСИЗ ЮКСАЛИШ БЎЛМАЙДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг куни кеча эълон қилинган “Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ўқув даргоҳимиз профессор-ўқитувчилари, талабалари томонидан қизғин кутиб олинди.

Самарқанд давлат университети азалдан катта илмий салоҳиятга эгалиги, халққаро даражада тан олинган илмий мактаблари, дунёда эътироф этилган забардаст олимлари билан маълум ва машҳур. Жумладан, бу олий таълим муассасаси Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Абдураҳмон

Саъдий, Воҳид Абдуллаев, Усмон Носир, Шароф Рашидов, Асқад Мухтор, Ғайбулла ас-Салом, Нажмиддин Комилов, Омон Матжон, Нуриддин Шукуров, Раҳматулло Қўнғуров, Худойберди Дониёров каби юзлаб улуғ олим ва адибларни камолотга етказгани барчамизда фахр-ифтихор уйғотади.

Ярим асрдан зиёд умрини олий таълим тизимига бағишлаган олим сифатида соҳага ҳеч қачон бу қадар эътибор қаратилмаганини айта олам. Бир пайтлар Тошкентдан кейин энг кўп олий таълим муассасаси Самарқандда жойлашган эди. Ушанда вилоятда бор-йўғи тўртта олий ўқув муассасаси мавжуд эди. Ҳозир уларнинг сони йигирмага яқинлашди. Бу саъй-ҳаракатлар шунчалик шиддат билан ривожлан-яптики, одам баъзан эшитиб улгуролмаётди.

▶ Давоми 5-бетда

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН —  
ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИХАЛҚ РОЗИЛИГИ —  
ДАВЛАТНИНГ ҚУДРАТИДИР

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, кам даромадли, вақтинча ишсиз, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз қариялар ва бошқа қўмакка муҳтож инсонларнинг турмуш тарзини яхшилаш масаласи жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишига айланди.

Бунда ижтимоий муаммоларни бартараф этишнинг тажрибада синалган йўли — аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, арзон уй-жойлар барпо этиш, муҳандислик-комму-

никация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш борасида изчил иш олиб борилмоқда.

Бу борадаги саъй-ҳаракатлардан қўзланган бош мақсад халқни рози қилишдир.

Халқ қачон рози бўлади? Албатта, барқарор даромад манбаига эга бўлса, ичимлик суви, табиий газ, электр таъминоти доимий бўлса,

сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имконига эга бўлса, болалар раван йўللардан мактабга борса... Буларнинг барчаси бевоқиф аҳолининг кайфияти, одамларнинг ҳаётга бўлган муносабатига таъсир этувчи омиллардир.

▶ Давоми 4-бетда





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news

## МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ!

# ХАЛҚИМИЗ ДОВЮОРАК ФАРЗАНДЛАРИ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ БИЛАН ҲАҚЛИ РАВИШДА ФАХРЛАНАДИ



Бошланиши 1-бетда

Барчанинг юз-кўзида ҳаётдан мамнунлик, Қуролли Кучларимизга, тинч-лигимиз барқарорлигига комил ишонч ҳисси зоҳир. Бир сўз билан айтганда, бу муаззам майдонда тинчлик ва фаровонлик тантана қилмоқда.

Концерт саройида бўлиб ўтган тантанали байрам тадбирида сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, Қуролли Кучлар фахрийлари, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёевнинг Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан йўллаган байрам табригини мудофаа вазири Баҳодир Қўрбонов ўқиб эшиттирди.

**“Сўнги йилларда “Халқ ва армия — бир тану бир жондир” деган эзгу тамойил асосида амалга оширилган туб ислохотлар натижасида тарихан қисқа даврда Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, тезкор ва ихчам миллий армия шакллантирилди.**

Сўнги йилларда янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган тарихий ислохотлар, энг аввало, инсон кадрини улуғлаш, халқимизни бугунги яшаётган кунидан ҳар томонлама рози қилишга қаратилган.

Барча соҳалар қатори халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда миллий манфаатларимизни ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучлар тизимини тубдан такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор

қаратилмоқда. Бу борада миллий армиямиз жанговар салоҳиятини мустаҳкамлаш, замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ва интеллектуал тайёргарлигини юксалтириш борасида улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда.

Айни йўналишда сўнги йилларда “Халқ ва армия — бир тану бир жондир” деган эзгу тамойил асосида амалга оширилган туб ислохотлар натижасида тарихан қисқа даврда Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, тезкор ва ихчам миллий армия шакллантирилди.

**Ватанпарварлик руҳи...** Президентимиз раҳбарлигида ўтган беш йилда Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилган эзгу сарф-ҳаракатларимиз самарасини бугун халқимиз ўз ҳаётида сезмоқда. Турмушимиз фаровонлиги, ҳаётимиз тўқислиги, аввало, юртимиздаги тинчлик-осойишталик туфайлидир. Шу маънода, халқимиз ҳаёти ва турмуш фалсафаси, дунёқарашимиз ўзгарди. Қалбимизда ватанпарварлик руҳи ҳукмрон бўлди.

Умуман олганда, амалга оширилган комплекс чоралар натижасида миллий армиямизнинг қиёфаси ҳам, қўшинларнинг тайёргарлик даражаси ҳам ўзгарди. Ҳарбий қисм ва полигонлардаги инфратузилма, аскар ва офицерларнинг шариоитлари тубдан яхшиланди. 2021 йилда ўтказилган халқроқ армия уйинларида ҳарбийларимиз иккинчи ўринни эгаллагани ҳам соҳадаги ислохотлар самарасининг ёрқин ифодасидир.

Айни пайтда Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар замирида ҳам “Инсон қадрини учун” деган муҳим тамойил марказий ўринга қўйилмоқда. Шу асосда миллий армиямиз сафларида хизмат қилаёт-

ган барча ҳарбийларнинг Ватан ва халқ олдидаги хизматларини муносиб қадрлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, кундалик ҳаётидаги муаммоларини ҳал этишга қўмаклашиш, уларнинг оиласи ва фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар кўлами йилдан-йилга ортиб борапти.

Жумладан, ҳарбийларни уй-жой билан таъминлаш, оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу борада, айниқса, сифатли таълим ва тиббиёт билан қамраб олиш борасида муносиб шариоитлар яратилмоқда.

— Турмуш ўртоғим билан икки ўғил, икки қизни тарбиялаб, вояга етказдик, — дейди андижонлик Турсуной Раҳимова. — 35 йиллик педагогик фаолиятим мобайнида барча ўқувчиларимга Ватанни севишни, истиқлолни асрашни, тинчликни қадрлашни ўқитиб келдим. Шўқри, бугун иккала қизим ҳам менинг изимдан бориб, ўқитувчилик қиляпти. Ўғилларим билан эса чиндан фахрланаман. Чўчки улар Ватанимиз, тинчлигимизнинг чинакам посбонлари, иккаласи ҳам ҳарбий соҳада фаолият юритяпти. Каттаси — Азизбек Раҳимов полковник. Кичигим Ойбекжон эса кичик сержант. Фарзандларимнинг бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизни мустаҳкамлашига, уни муносиб ҳимоя қилишига ишонаман.

Мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимиз қудратини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланмоқда. Бу борада миллий армиямиз жанговар салоҳиятини ошириш, замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлашга доир ислохотлар давом этирилиб, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳи, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, аҳоли, биринчи навбатда, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучларимиз

фахрийларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишни кўчаптириш ишлари изчил давом эттирилади.

— Ангрен шаҳридаги ҳарбий қисмда 5 йилдан буён шартнома асосида хизмат қиляпман, — дейди Санжар Муродов. — Давлатимиз раҳбарининг байрам муносабати билан йўллаган табригини ўқиб, жуда ғурурландим. Барча қуролдош дўстларим каби қалбим фахр, ҳаяжонга тўлди. Қуролли Кучларимиз тизимини ислох қилиш, кучли ва замонавий армияни шакллантириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига янада қўлай шариоит яратиш борасидаги ишлар бизларни руҳлантиради. Ҳар доим юртимизнинг муқаддас туپроғини асрашга бор куч-ғайратимизни сарфлаймиз.

**...Мустақиллик — буюк неъмат.** Бу бебаҳо неъматнинг қадрига етиш, энг муҳими, асраб-авайлаш ғоят шарафли ва олий бурчимиздир. Бугунги тахликал даврда эса, бу бурч ва муқаддас вазифа ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгига Амир Темур, Жалололдин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк боболаримиз илгари сурган жанговарлик руҳини синдиришимиз ҳар қачонгидан-да долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Миллий армиямиз ана шу йўлда собитқадам экани эса қалбимизга зўр ғайрат, мустаҳкам ишонч бағишлайди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибидagi ҳарбий оркестр жамоалари, санъат усталари, ҳарбий соҳадаги бадий ва ҳаваскор жамоаларнинг концерт дастури намойиш этилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддинжон Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов иштирок этди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири**

## ҲАР НАФАСИМИЗ ВАТАН, ҲАР ҚАДАМИМИЗ ШАРАФ



**Ниятбай ЖИЕМУРАТОВ, Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм қоровул бошлиғи, “Жасорат” медали соҳиби:**

— Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини томонидан давлат мукофоти лойиқ қўрилди. Мукофот мени ўз устимда кўпроқ ишлаб, бор билим ва куч-ғайратимни Ватанимиз ҳимоясига бағишлашга, садоқат билан хизмат қилишга руҳлантиради. Она-Ватанимизнинг ҳар қарич туپроғини кўз қорачиғидек асрашга, халқимиз

хотиржамлигини сидқидилдан сақлашга ундайди.

Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган бу ишонч зиммамиздаги масъулият ҳиссини янада ошириб, ҳар қадиқада хизмат фаолиятимизга садоқат билан ёндашишни талаб қилади.

Олдимизга қўйилган ҳар қандай жанговар топшириқларни бажаришга тайёремиз.

**“Бугунги мукофот келгуси фаолиятимизда ҳамкасбларим билан бирга Ўзбекистон Республикасида адолатли қонун устуворлигини таъминлашга куч беради. Менга, мен орқали ҳамкасбларимга билдирилган ишонч учун Президентимизга чўқур миннатдорлигимни билдираман.**

**Сарвар МАМАЮСУПОВ, Миллий гвардия қўмондонини ўринбосари, “Содиқ хизматлари учун” медали соҳиби:**

— Давлат раҳбари томонидан эътироф этилиш, тақдирланиш шу юртда меҳнат қилаётган барчанинг орзуси, десам муболага бўлмайди. Бугун ана шундай бахт кўллаб ҳамкасбларим қатори менга ҳам насиб этди. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг шахсан қўлидан давлат мукофотини олиш менга чексиз ғурур ва ифтихор, куч-ғайрат ҳамда шижоат бағишлади, зиммамдаги масъулият залворини оширди.

Бу мукофотни нафақат менга, балки ота-онам, устозларим, Миллий гвардиямиз шахсий таркибига бўлган ишонч, деб биламан.

**Маҳаммаджон БОЗОРМИРЗАЕВ, Наманган ҳарбий прокурорининг ўринбосари, “Содиқ хизматлари учун” медали соҳиби:**

— Қарийб 13 йилдан буён шу соҳада хизмат қилиб келяпман. Сўнги йилларда мамлакатимизда Президентимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар натижасида прокуратура органлари тубдан ўзгарди. Аввало, халқ орасига кириб, аҳоли билан ҳам-жиҳатликда “маҳаллабай” ишлаш тизимида иштирок этишга одатландик. Бу тизим орқали прокуратура халқчил органга айланиб бора-

пти, десам муболага бўлмайди. Халқ ва армия яқдил мақсад атрофида бирлашмоқда. Бугунги мукофот келгуси фаолиятимизда ҳамкасбларим билан бирга Ўзбекистон Республикасида адолатли қонун устуворлигини таъминлашга куч беради. Менга, мен орқали ҳамкасбларимга билдирилган ишонч учун Президентимизга чўқур миннатдорлигимни билдираман.

Бундай шарафли ва масъулиятли хизматни чўқур англаган Миллий гвардия шахсий таркиби ўз олдига қўйилган барча вазифа ва топшириқларни сидқидилдан бажаришга ҳамиша шай.

## БИР УМРГА ТАТИГУЛИК КУН

**Зафар АХБУТАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти бўйича бошқармаси бошлиғи ўринбосари, “Содиқ хизматлари учун” медали соҳиби**

Эътироф инсонга ҳамиша куч ва рағбат бағишлаб келган. Айниқса, бунга давлат раҳбари эътибори билан муносиб қўрилган бўлсангиз, завқу шавқи, фахр-ифтихори, шодиёнаси умрга татиғулик бўлади. Президентимизнинг фармонига мувофиқ “Содиқ хизматлари учун” медалига мушарраф бўлганим нафақат мен, балки ота-онам, оилам, фарзандларим ва жамоамиз учун ҳам қўшалок байрам, саодатли ёруғ кун бўлди.

Ушбу юксак мукофотни мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоя қилишнинг мустаҳкам таянчи йўлидаги фаолиятимизга берилган юксак баҳо, эътироф ва рағбат, деб биламан.

Кўни кеча Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан йўллаган байрам табригида жамиятимизда, жумладан, Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган туб ислохотларда



“Инсон қадрини учун” деган муҳим тамойил марказий ўринга қўйилаётганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда халқ ва армия бирлиги мустаҳкамланди. Бу кишига хотиржамлик бағишлайди. Хотиржамлик ва тинчлик бўлган жойда эса тараққиёт кузатилади. Шу маънода, бизнинг келгуси фаолиятимиз ҳам мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, ёшларимиз қалбига ватанпарварлик руҳини жўш урдириш, буюк аждодларимизнинг бой меросини тарғиб қилиш энг муҳими, Ватанимизда тинчликни сақлаш, азиз халқимизни ҳимоя қилишга қаратилишига сўз берамиз.





## ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИ

# ШАРАФГА БУРКАНГАН ШОНЛИ ЙЎЛ

Миллий армиямизнинг бутунги замонавий қиёфаси, юқори жанговар қобилияти ўз-ўзидан шаклланган қолган эмас. Бунинг ортида не-не инсонларнинг фидоилиги, ватанпарварлиги, юртсеварлиги мужассам. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Фахрийлар ишлари бўйича марказий кенгаш раиси, истеъфодаги полковник Абубакр Наврўзов билан суҳбатлашар эканмиз, ҳарбийлик жўмардлик, жонфидолик эканини янада теранроқ англагандай бўлдик. Биз Абубакр аканинг мудофаа тизимида фаолият юритган йилларига, эришган ютуқларига, чеккан заҳматларига, олган муқофоту орденларига тўхталмадик. Шунчаки, ҳарбийлик касбининг шарафли аммо машаққатли, зафарли, масъулиятли йўллари, ислохотлари, янгилклари, ютуқлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Абубакр Давлатович, ҳаётингизнинг 35 йилини ҳарбийликка бағишлабсиз. Айтинг-чи, ҳарбийлик ўзи нима? Бу касбини эгаллаш ва шу соҳада фаолият олиб бораётган Ватан ҳимоячиси аслида қандай бўлиши керак? Кечса фахрий сифатида ёш аскарларга нима наларни тавсия қилган бўлардингиз?

— Ватан ҳимояси — жанговар ва улғувор юмуш. Ҳарбийлар ўтмишимиз, бугунимиз ва буюк келажагимиз ҳимоячиларидир! Улар доимо она Ватан учун ўзини қалқон биледи. Ҳарбийлик, бу — юртни ҳимоя қилишга бағишланган ҳаёт. Ҳарбийлар ҳизмат доирасида қаерга жунатилса, ўша ерда яшайди, керак бўлса, азиз жонини юрт сарҳадларини ҳимоя қилишга бахшида этади. Ҳарбийлик, бу — ҳақратон қишнинг аччиқ аёзю ўзининг жазирама саратони остида тоғу тош, дала-дашлардаги машаққатли ўқув-машқлар. Шу боис, бу турмуш тарзига ҳар кимнинг ҳам бардош бериши қийин. Ҳарбийларнинг фарзанди ота-онасини ойлаб, керак бўлса, йиллаб кўрмайди.

Ўзини муқаддас заминимизнинг ҳақиқий посбони, деб билган, халқ оқолиштилагии йўлида сидқидилдан ҳизмат қилишнинг мақсад қилган ҳар бир ҳарбий Ватан олдидаги жасорати ва мардлиги билан барчага ибрат бўлиши лозим.

Ҳарбийлик машаққатини баланд тоғнинг қоясига минг бир машаққат билан чиққан одамгина озми-кўлими ҳис қила олади. Ҳарбийнинг ўз қасамёдида садоқати фидоийлик асосидир. Бир сўз билан айтганда, ҳарбийлик, бу — шарафга бурканган шонли йўл!

Истардики, Ўзбекистон деб аталмиш қудратли мамлакат аскарининг азму ши-жоатини кўрган келажақ авлодлар Қурол-ли Кучларимиз сафида ҳизмат қилишни, Ватан ҳимоячилари қаторида бўлишни ўзининг энг муқаддас эзгу нияти ва орзу-сиға айлантирсин.

— Ўтган беш йил Ўзбекистонда том маънода миллий армиямиз учун ҳам туб бурилиш ва янгиланишлар даври бўлди, дея баралла айта оламиз, шундай эмасми?

— Албатта, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан қўшинларимизни ҳар томонлама ривожлантириш, жанговар шайлигини янада ошириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Миллий армиямизнинг жанговар қудратини юксалтириш мақсадида ривожланган мамлакатлар армияларининг илғор тажрибалари чуқур ўрганилиб, таҳлил қилинди. Натижада ҳарбий округлар қўшинлари жанговар таркиби тақомиллаштирилди. Замонавий тактик усуллар ўзлаштирилди. Жанговар тайёрларлик машғулотларини сифатли ўтказиш, юрт ҳимоячиларига муносиб ҳизмат шароитларини яратиш мақсадида барча полигон ва ҳарбий шаҳарчалар ян-гидан барпо этилди.

Хусусан, “Чирчик” полигони ҳудуди-да барпо этилган Моделлаштириш ва симуляция дала-ўқув маркази ҳарбий зиматичиларнинг профессионал тайёр-гарлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Умуман олганда, ҳар йили тақрор ўтказиладиган машғулотларга чек



қўйилиб, амалий машғулотлар сифати ва сони ошди.

Бугун янгиланиб, кундан-кунга замона-вий қиёфа касб этаётган миллий армия-мизда ҳарбий биллимлар билан амалий машғулотлар ўйғунлигини таъминлаш ҳам устувор вазифалар сирасига кир-ди. Мудофаа вазирлиги тизимида куза-тилаётган ўзгаришлардан яна бири — ҳарбий ҳизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувват-лашга катта эътибор қаратилди. Натижа-да юрт посбонларининг ҳизмат ва яшаш шароитлари яхшиланди. Жумладан, Ва-тан посбонлари учун узоқ муддатли им-тиёзли ипотека кредитлари асосида 224 та кўп қаватли уй қурилиб, жами 7225 хо-надон юрт ҳимоячиларига топширилди. Шунингдек, 3765 ҳарбий ҳизматчининг фарзандлари мамлакатимиздаги олий ҳарбий ва олий таълим муассасаларига ўқишга киришда қўшимча имтиёз бери-учи тавсияномаларга эга бўлди. Бу эзгу ва хайрли ишларни юртимизнинг барча ҳу-дудларида ҳам кўришимиз мумкин.

Бухоро вилоятидаги табиий офатлар, Сирдарё вилоятидаги техноген ҳолат оқибатларини бартараф этишда ҳам ҳар-бий ҳизматчилар халқимиз жонига оро кирди. Қолаверса, ҳарбийлар томонидан аҳолининг қийналган катламига ҳам му-тазам равишда моддий ва маънавий кў-мак бериб келинмоқда.

— Соҳадаги фаолиятингиздан ор-тиб, оилангизга рўзгорбоши, фар-зандларингизга ота, невараларин-гизга бобо сифатида қандай вақт ажрата олангиз?

— Ҳаётимнинг кўп йили Германия, Словакия, Швеция, АҚШ, Польша, Беларусь, Қирғизистон, Тожикистонда ҳизмат сафр-ларида ўтган. Қорақалпоғистон Респуб-ликаси, Бухоро, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларида ҳам фаолият олиб борган-ман. Мудофаа вазирлигининг разведка бошқармасида турли вазифалардаги фао-лиятим оила ва фарзандларимга аталган вақтимнинг нечоғлиқ тигизлигидан дарак берса-да, ўз касбимни севиб, ардоқлага-нимдан, тақдиримдан, Ватан ҳимоячиси, деган шарафимдан беҳад бахтиёрман.

Тўғри, кўпинча фарзандлар ва нева-ралар тарбиясига етарлича вақт топи-маган. Шунда турмуш ўртоғим ҳамisha елкадошим бўлиб келган. Ҳарбийлар орасидаги “Агар сен подполковник бўл-санг, рафиқанг полковникдир”, деган ибора замирида ҳам улкан маъно бор. Уйримизнинг беазаги, ҳаётимизнинг гўзал неъмاتي бўлган аёлларимиз, қизларимиз, синилларимиз ҳарбийларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Боиси, улар бизнинг борлигимизни тўлдириб келади. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам фарзандларим



Ҳалим Юрдошев оғлини суратлар.

## ИФТИХОР

# ҚУРОЛИИ КУЧЛАР АНСАМБЛИ ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФДА

**Зафар БОБОЖОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли бошлиғи, полковник, “Шуҳрат” медали соҳиб**

18 ёшимда Нукусдаги ҳарбий қисм-лардан бирига йигитлик бурчимни ўташга келганман. Ҳозирги “Маролар қўиқлайди Ватаним!” фестивали ўша пайтларда “Аскар қўиқлари” номи билан ўтказилар эди. Ҳарбий қисмида бўлиб ўтган шу фестивалда 1-ўринни олиб, республика босқичига чиққанман. Танловда Комилжон Отаниёзовнинг “Айрилма” номли қўиқини айтгандим. Қў-ишқ матнидаги “Тўғри йўлдан эгри йўлга бошларлар, таълим берган устозингдан айрилма”, деган бандини мен “таълим берган офицерингдан айрилма”, деб шу ернинг узда ўзгартириб юборганман. Не-гаки, соҳада ўзимиздан юқори макведа-ги ҳар бир ҳодимга ҳурматим чексиз эди. Айниқса, юқори мартабали меҳмонлар олдида руҳланиб кетганимни сезган мута-саддилар “Бу йигитни ансамблга оламиз”, дейишган. Камолддин Раҳматов, Шуҳрат Дадажонов каби устозларимиз сафида фаолиятимни бошладим.

Эндигина мустақилликка эришган пайтларимиз эмасми, ансамблни миллий-лаштириш ишлари бошланаётган экан. Ҳақиқатан ансамблга келганимда ҳеч ким ўзбекча гапирмас, репертуарда эса битта-гина ўзбекча қўишқ бор эди, холос. У ҳам

бўлса — “Чойхона”. Устозларимиз билан биргалашиб, ўзбек тилидаги ватанпарвар-лик руҳида қўишқларни аста-секин кў-пайтира бошладик. Тарих учун қисқа бўлган ҳар қандай фурсат инсоният учун арзирли вақт бўлар экан-да. Кўз очиб-юмгунча шу воқеаларга ҳам 28 йил бўлибди. Қуролли Кучларимиз сафида фаолият юритиш менга фахр-иф-тироқ бағишлайди. Ўтган йили ансамблга раҳбарликка тайинландим. Айни пайтда вокал, хор, балет, созандалар ва моддий таъминот каби гуруҳларимизда 100 дан зиёд ҳодим фаолият олиб бормоқда.

Бу йил Қуролли Кучларимизнинг 30 йиллик тантанасига кўтаринки руҳда ба-дийий чиқишлар тайёрлаб, марказий кўча-ларда ватанпарварлик руҳидаги қўишқлар билан юриш қилдик. Кўп қаватли уйлар аҳолиси, пойтахтимиз меҳмонлари жанго-вар юришларимиз, тантанавор қўишқла-римизни ҳаяжон ва ҳавас билан кузатиб, илиқ фикрлар айтганида ҳарбийлик кас-бини танлаганимиздан қалбимиз ифти-хорга ўтди.

Давлатимиз раҳбари томонидан “Шуҳ-рат” медалига муносиб кўрилганим эса бутун жамоамизни руҳлантирди, эътироф-дан кўнглимиз янада юксалди. Қолаверса, “Полковник” унвони тақдим этилгани яна-да катта масъулият бағишлади. Зеро, бу ансамблимиз тарихидаги илк эътибор ва эътироф эканини устозларимиз ҳам таъ-кидлаб ўтди.

Бу йилги дастуризмиздан ўрин олган “30 ёшинг муборак!”, “Ўзбекистон ҳарбий-лари”, “Едимизда”, “Ўзбекистон йигитлари”

каби қўишқларимиз орқали ёшларни ва-танпарварлик руҳида тарбиялашни мақ-сад қилганмиз. Шунингдек, ҳизмат бурчини ўтаётган пайтда мардларча халок бўлган ҳарбийларнинг оила аъзоларини ҳам бай-рамга тақлиф этдик. Уларни хотирлаб, тайёрлаган видеороликларимиз катта эк-ранда намоиш қилинганда, юртдошла-римизнинг ҳарбийларга бўлган ҳурмати янада зиёда бўлишига шубҳа йўқ.

Хулоса ўрнида айтмоқчиманки, бағри-кенг, танти ва меҳнаткаш халқимиз, фа-қатгина тинч осмон остида фаровонликда, гўзал ҳаёт оғушида яшашга муносиб. Бу борада биз, ҳарбийлар имконимиз қадар она Ватан ҳизматига доимо шаймиз!



# БУЮК АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД БЎЛИБ

**Дилшодбек ЎКТАМОВ, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети талабаси**

Давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондонининг Ўзбекистон Республикаси Қуро-ли Кучларининг 30 йиллиги му-носабати билан йўллаган табриги биз, бўлажак ҳарбийлар, юрт пос-бонларини янада тўлқинлантириб юборди.

Айниқса, табриқдаги “...Муқаддас қасамёдига ҳамisha содиқ, эл-юрт ҳимояси йўлида метин қалқон бўл-ган мард ва жасур ҳарбийларимиз

Ўзбекистоннинг чинакам ватан-парвар баҳодирлари, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Халқи-миз ўзининг сизлар каби ботир ва довурак фарзандлари — Ватани-мизнинг ҳақиқий посбонлари би-лан ҳақли равишда фахрланади”, деган жумлалар шарафли соҳага ки-риб келаётган ҳар қандай ёшга ғуру-рифтихор ва шижоат бағишлайди.

1993 йилнинг 29 декабрь куни Ўзбе-кистон Республикаси Олий Кенгаши-нинг қарори билан 14 январь “Ватан ҳимоячилари куни” деб белгиланди. Бу кун нафақат ҳарбий ҳизматчилар-нинг, балки армия сафарида ўз бур-чини ўтаб қайтган ватандошларимиз ва келажақда ҳизматга борадиган минг-минглаб навқирон йигитларнинг байрами, деб қабул қилинган. Зеро, она халқимиз ҳар доим ўзининг мард, жасур йигитлари билан фахрланиб келган. Шу боис, ўғлонларимиз ҳам ўзи яшаётган юрт тупроғини муқад-дас билди, Ватан ҳимояси учун доимо шай туришни юксак йигитлик бурчи ҳисоблайди. Шунингдек, бу кутлуг бай-рамнинг нишонлиши халқимизнинг ўз миллий армиясига нисбатан чексиз ҳурматини, алп йигитларига бўлган ишончини амалда ифодалайди. Бун-дай юксак ишончини оқлаш учун бугун мард ўғлонларимиз ҳам буюк саркар-даларимиз тажрибаси, уларнинг жан-говарлик маҳоратини пухта ўрганиш-моқда. Шу ўринда, табиийки дастлаб Амир Темури бобомизни ёдга оламиз.

Буюк Соҳибқироннинг бетақор ҳарбий маҳорати хануз ўрганишга, фахрланишга муносиб мерос сифатида қадрланади. Давлатимиз раҳбари таъ-кидлаганидек, “халқимизнинг ҳарбий соҳадаги бой меросига таяниб, Жа-лолiddин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темури, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркарда боболари-мизнинг жанговар аъналарини му-носиб давом эттириб келаётган, жи-соний ва маънавий етуқ, замонавий билим, қурол-ароғ ва техникаларни пухта эгаллаган, давлат ва халқ ман-фаатлари учун ҳар қандай синов ва машаққатларни енгиб ўтишга тайёр бўлган ҳарбийларимиз доимо фаол иштирок этиб келаётганлари ҳар кан-дай юксак эътирофга муносибдир”.

Бугун қўллаб-қувватлаш фарзанди-нинг Темурибеклар мактабидан таҳсил олиши, ҳарбий бўлиб, Ватанига сидқи-дилдан ҳизмат қилишини истади. Бу янгиланаётган ва фаровон Ўзбеки-стонга муҳаббат, унинг танти халқига садоқат ифодасидир. Зеро, ҳарбийлар қалбида халққа, юртга муҳаббат туй-ғуси қанчалик жўшқин бўлса, халқ ҳам уларга шунчалик яқин бўлади. Айниқса, эн-атрофимизда нотинчлик ҳукм суриб турган шу таҳликали кунларда халқи-миз тинчлик-хотиржамликни юксак қад-рият сифатида улғулаб миллий армия-мизни ишончли таянч деб билади.

Миллий армия — бизнинг фаҳримиз ва ғуруримиз! Давлатимиз сарҳадла-рини қўриқлаётган мард ўғлонлар са-доқати халқимизни юксак мақсадлар, эзгу орзу-ниятлар сари ундайверади.

Президентимиз ташаббуси билан ҳар-бий пенсионерларни ишга қабул қилиш орқали, уларни ёшларимизни ватанпар-варлик, юртга содиқлик руҳида тарбия-лаш жараёнига янада кенг жалб этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, тизимдаги ислохот-лар нафақат соҳадаги ҳизмат қилувчи-ларни қўллаб-қувватлашга қаратилган, балки ҳарбий соҳанинг нуфузини оши-ришни ҳам кўзлайди. Бу соҳага етуқ кадр-ларни жалб қилишга ҳизмат қилади.

— Фахрийларнинг юртимиз ёшла-рини ватанпарварлик руҳида тар-биялаш, интеллектуал салоҳиятини янада ошириш борасида амалга оши-раётган ишлар ва улар билан ҳамкор-ликдаги фаолиятини ҳар ўқувчилари-миз учун қизқ деб ўйламан.

— Мудофаа вазири раҳбарлигида Фа-хрийлар ишлари бўйича марказий кенгаш ишини ислох қилиш жараёнида, келажақ авлодда ватанпарварлик, юксак маъна-вий, ахлоқий-руҳий ва касбий сифатлар-ни янада ривожлантириш, “Устоз-шоғирд” аънарасини сақлаш ва тақомиллаштириш вазирлик тасарруфидидаги ҳарбий округлар, ҳарбий қисм ва муассасаларга ёрдам бе-риш асосий вазифаларимиздандир. Бар-ча даражадаги таълим муассасалари, маҳаллаларда камол топаётган ёшларни миллий қадриятлар, аънава ва урф-одат-ларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда Ватан тақдирини дахлдорлик ҳиссини кучайтириш фаолиятимизнинг асосий мезонига айланган.

Мудофаа вазирлиги фахрийлари бир вақтлар тажрибада бўлган ҳарбий фах-рийларнинг мактабларга оммавий ташир-фини қайта тиклади ҳамда бугунги кунда ушбу ҳаракатимиз юртимиз жамоатчили-ги орасида “Мудофаа вазирлиги фах-рийлари ҳаракати”, деган ном олди.

Ўтган 3 йил давомида фахрийлари-мизнинг умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицей-ларда масъул лавозимларда фаолият бошлаши таълим масканларидаги маъ-навий-руҳий вазият кескин ижобий то-монга ўзгаришига олиб келаётгани ало-ҳида қайд этилмоқда.

Фахрийларимиз ҳарбий қисмларда ҳам “Устоз-шоғирд” аънарасини ривож-лантириб, ёшларни ватанпарварлик ру-ҳида тарбиялашда фаол иштирок этиб келаётгани таҳсинга сазовор.

— Ҳа, ҳарбийларимиз бор экан, жаннатмонанд дийримиш тинч, осмо-нимиз мусаффо. Айниқса, бу борада сиз каби нурунийлар ўзимизга, таж-рибасига таяниш катта маънавий озуқа беради. Айтинг-чи, ҳарбийлик сизга нима берди?

— Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, бу оламда шундай бир шарафли ва юксак касб бор — она Ватани ҳимоя қилиш! Менинг ўн етти ёшимдан бошлаб ҳозир-гача бўлган йиллар давомида тоғаним, энг катта хазинам ҳеч қандай дуру жа-воҳир билан ўлчаб бўлмайдиган нодир ва ноёб бойлигим бу — менинг касбим! Ўзбекистон деб аталмиш ҳур ва озоқ ўлкамнинг фахрий ҳимоячисиман, фах-рий полковникиман. Йиллар давомида ўз касбимга садоқат ва ҳурмат билан ёндашиб ҳизмат қилдим. Бундан гурур-ланаман. Ўтган ҳаётимга боқар эканман, тақдир пешонамга Ватан ҳимоячиси деган ном битгани учун, ўтган ҳар бир ку-ним, йилларим учун Аллоҳимга беадад шукроналар келтираман!

Гулиҷеҳра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



# ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

## ХАЛҚ РОЗИЛИГИ — ДАВЛАТНИНГ ҚУДРАТИДИР

Улуғбек ИНОЯТОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари

“

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базаси яратилади, жумладан, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” билан бирлаштирилади. Кам таъминланган оилаларнинг 3 ёшгача бўлган болалари учун озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармонлар бериш дастури қабул қилинади.

Бошланиши 1-бетда

Умумхалқ муҳокамасига қўйилган Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳасида ижтимоий соҳа, ижтимоий муаммоларни ҳал этишга катта эътибор берилган.

Келгуси беш йилнинг тараққиёт стратегияси лойиҳасида давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида илгари сурилган ташаббуслар акс эттирилган бўлиб, унда мутлақо янги ёндашув — режалаштирилган ислохотлар натижадорлигини тараққиёт мақсадларига эришганлик даражаси асосида баҳолаш тизимини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да мамлакатимизни ривожлантиришнинг 7 та устувор йўналиши доирасида қарийб 100 та мақсадга эришиш назарда тутилаётгани эътиборга молик.

Бу борада муҳим янгилик сифатида ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш бўйича масъул давлат органини белгилаш, ижтимоий суғурта тизимини яратиш, жумладан, ижтимоий суғурта жамғармасини ташкил этиш ҳамда кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам

ва хизматларни ижтимоий шартнома асосида тақдим этиш тақлиф қилинаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ижтимоий ёрдамга муҳтож ва ижтимоий нафақа тайинлаш мезонларига жавоб берадиган барча оилалар ва шахсларни ижтимоий ёрдам дастурлари билан қамраб олиш кўзда тутилмоқда. Бу борада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, унга кўра, ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш бўйича давлат органини белгилаш, ижтимоий суғурта тизимини яратиш, жумладан, ижтимоий суғурта жамғармасини ташкил этиш, кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ва хизматларни ижтимоий шартнома асосида тақдим этиш режалаштирилмоқда. Бунда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базаси яратилади, жумладан, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” билан бирлаштирилади. Кам таъминланган оилаларнинг 3 ёшгача бўлган болалари учун озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармонлар бериш дастури қабул қилинади.

Шу билан бирга, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун ўртача иш ҳақининг максимал миқдорини пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 баробаридан 12 баробаригача ошириш режалаштирилган. Унга кўра, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун ўртача иш



хаки максимал миқдорининг 12 баробаридан келиб чиққан ҳолда “Пенсия” дастурига тегишли ўзгаришлар киритилади.

Тараққиёт дастури ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш орқали фуқароларнинг доимий даромадга эга бўлиши, муносиб турмуш шaroити яратишга эришишга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу йўналишда “Йўл харитаси”да белгилаб берилган мақсад ва вазифалар низоҳатда кенг қамровли бўлиш билан бирга, олдимизга қўйилган режаларнинг нақадар катта эканини кўрсатиб турибди.

Жумладан, унда касбга ўқитиш кўламини 2 баробарга ошириш, жами 1 миллион нафар ишсиз фуқарони касб-хунарга ўқитиш, унинг кўламини 2 баробарга ошириш, ҳар йили касб-хунарга ўқитиладиган фуқаролар сони, ҳудудлар ва тармоқлар кесимида ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга оид давлат буюртмасини ишлаб чиқиш ҳамда маҳалла касб-хунарга ўқитиш масканлари тармоғини кенгайтириб, уларнинг сонини мингтага етказиш вазифаси қўйилган. Бундан ташқари, 16 та “Ишга марҳамат” мономаркази ва 59 та касб-хунарга ўқитиш маркази

қувватларидан самарали фойдаланган ҳолда ишсиз фуқароларни профессионал касблар, тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитиш, мономарказ ҳузуридаги “Ўқув-маслаҳат офис”ларида хорижий давлатлар, жумладан, Россия, Туркия, Япония, Корея, Германиядан 200 га яқин ўқитувчини жалб қилиш кўзда тутилган.

Шунингдек, умумтаълим мактабларининг касб ўрганиш истагидаги биттурувчиларини давлат томонидан камида бир касбни эгаллашига кўмаклашувчи тизимни жорий этиш, юқори синф ўқувчилари таркибидан касб-хунарга ўрганиш истагида бўлганларини аниқлаш ва касб-хунарга ўқитиш имкониятларини таҳлил қилиш ҳамда бу борада илғор хорижий тажрибани ўрганиш вазифа сифатида қўйилмоқда.

Бундан ташқари, норасмий ишлаётган 450 минг нафар фуқаронинг бандлигини легаллаштиришга ёрдам бериш орқали уларнинг ижтимоий кафолат ва имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиши имкониятини яратиш режалаштирилган. Бунинг учун аширин иқтисодиётни қисқартиришда жамоатчилик ролини ошириш, норасмий секторда банд бўлган аҳоли ўртасида ижтимоий ҳимояни таъминлаш юзасидан тарғибот ишларини олиб бориш, фуқаро, ходим ва иш берувчининг меҳнат соҳасидаги мурожаатларини “бир дарча” тамойили асосида тезкор қўриб чиқиш механизмларини жорий қилиш, меҳнат соҳасидаги мурожаат ва низоларни ўрганиш ҳамда уларни ҳал қилишга кўмаклашиш мақсадида “Меҳнат-М” маркази фаолиятини эксперимент тарихида Тошкент шаҳрида ташкил этиш мўлжалланмоқда.

“Янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури” доирасида хориждан қайтган фуқароларни манзилли ишга жойлаштириш, касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш чоралари қўрилади. Мазкур йўналишда хориждан қайтган 160 минг нафар фуқаро доимий ва вақтинчалик иш ўринларига ишга

жойлаштирилади, касбга ўқитилади ҳамда тадбиркорликка жалб этилади.

Аёллар орасидаги ишсизлик даражасини 2 баробар камайтириш, 80 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизларни давлат ҳисобидан касб-хунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш бўйича ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқилади. Бунда ҳар йили тасдиқланган касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга оид давлат буюртмасида касб-хунарга ўқитиладиган хотин-қизлар улушини йилдан-йилга ошириб бориш, хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кўмаклашиш мақсадларида субсидиялар ажратиш, ўзини ўзи банд қилиш истагида бўлган хотин-қизларга меҳнат қуроли билан таъминлаш учун субсидиялар ажратиш чоралари қўрилади. Ҳар бир ҳудудда “Хотин-қизлар хунарамандчилик марказлари” ва кластерлари ташкил этилади.

Шу билан бирга, имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган 12 минг нафар шахснинг бандлигини таъминлаш, бу борада Миллий дастур ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда. Мазкур йўналишда амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисидаги табиғий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан ҳар бир ногиронлиги бўлган шахснинг ишлаш мумкин бўлган касблари тўғрисидаги маълумотларни электрон тарзда “Бандлик қизмати” ахборот тизимига интеграция қилиш ҳамда Ягона миллий меҳнат тизимидаги меҳнат шартномасини рўйхатдан ўтказиш йўлга қўйилади. Ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хунарга тадбиркорликка ўқитиш учун касбий таълим муассасаларига имтиёзлар бериш, уларни тадбиркорликка жалб этиш ва ўзини ўзи банд қилиш учун имтиёзли кредит, субсидиялар ажратиш имконияти яратилади.

Юқорида келтирилган мақсад ва режалар амалга ошса, Ўзбекистонда ижтимоий соҳа ривож янги даражага кўтарилади. Бу давр ҳақиқатан ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИ бўлади.

Стратегия лойиҳасидаги мақсадлар турли соҳаларга тааллуқли бўлса-да, уларни жамиятнинг тараққиёт этириш нуктаи назаридан ягона бош мақсад бирлаштириб туради.

Энг асосийси, бу вазифаларнинг ҳаммаси бир-бирининг сифатли бажарилишини таъқоз қилади. Шунинг учун жамиятимиздаги барча бошқарув ва ижро институтлари халқимиз билан ҳамжиҳат, ҳамфикр бўлиб ишлашини талаб қилади. Зеро, фуқаролари рози давлат қудратли бўлади.

## ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ДАСТУРИ

Ғолибжон МАҲАМАДЖОНОВ,  
Олий Мажлис ҳузуридаги  
Қонунчилик муаммолари ва  
парламент тадқиқотлари институти  
бўлим мудир



Ўзбекистон демократик ривожланишнинг янги босқичига кириб борар экан, ўз олдига демократик тамойилларга тўлиқ мос келувчи жамият қуриш, бунда инсон манфаатларини юксак даражага кўтаришни олий мақсад қилиб қўйди. Бу борада Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси замонавий давлат ва жамият қуриш учун дастуриламал вазифасини бажаради.

Стратегияда белгиланган мақсад ва вазифалар — Ўзбекистонда давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, унда халқ манфаатларини тўлиқ ифодалаш механизминини шакллантириш асосида замонавий демократик жамият қуриш ғоясини ўзига мужассамлаштириши билан алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Жамиятимизнинг янги қиёфаси” тушунчаси қотиб қолган воқелик ёки ўзгармас аксиомани англатмайди”.

Тараққиёт стратегиясида халқимиз турмуши фаровонлигини таъминлаш асосий мақсад сифатида белгилаб олинди. Хусусан, “Халқ манфаатлари ҳамма нарсдан улуғ” ғояси асосида халқимиз манфаатларини ифода этишда давлат ва унинг асосий бошқарув органлари масъулиятини янада ошириш кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда “Халқ бй бўлса, давлат ҳам бй ва қудратли бўлади”, деган тамойил асосида мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва бу жараёнга фуқароларни кенг жалб этиш асосида аҳолининг моддий ҳаёти яхшиланиб, камбағалликни қисқартиришнинг ўзига хос механизми шаклланди.

Бу тизимнинг дастлабки самараси сифатида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти таъсис этилгани, тадбиркорларни текширишга мораторий эълон қилинган, режали текширувлар, шунингдек, 42 турдаги фаолиятга лицензия ва рухсатномалар бериш бекор бўлгани, кичик саноат зоналари ер ва мол-мулк солиғидан озод этилиши каби тарихий ўзгаришларни келтириб ўтиш мумкин.

Тараққиёт стратегиясида халқимизнинг бой маданий мероси, интеллектуал салоҳиятини янада ривожлантириш, янги Ўзбекистонни барпо этишда минтақавий ва умумбашарий оимларни ҳисобга олиш, давлатлараро муносабатларни олий даражага кўтариш орқали халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсад қилиб белгиланди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда зиёлиларга бўлган эътибор кучайди. Ҳеч бир жамият ва давлатнинг иқтисодий, иқтисодий, сиёсий соҳалардаги ютуқларини зиёли олимларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар янги жамиятнинг янги ҳаёт қарашларини шакллантирувчи том маънодаги “ғоялар лабораторияси” вазифасини бажаради.

“Давлат — инсон учун” тамойили Ўзбекистонда демократик ислохотларнинг асосий мезони сифатида белгиланди. Унга кўра, давлат бошқаруви, унга хос бўлган барча сиёсий тузилмалар, уларнинг иш услублари ва фаолияти айнан шу йўналишда ривожлантирилиши белгилаб қўйилгани мамлакатимизда демократиянинг янги босқичини бошлаб беради.

Тараққиёт стратегиясида “Инсон — жамият — давлат” ғояси фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишнинг янги механизми сифатида ҳукуматнинг энг олий вазифаси этиб белгиланди. Албатта, бу борада ижобий ўзгаришлар амалга оширилиб, бир неча ўн минглаб янги иш ўринлари яратилгани, кредит линиялари очилгани, тадбиркорларга фойдаланилмай турган объектлар “ноль” қийматда хусусий мулк сифатида берилгани қувонарли ҳодисадир.

Самарали парламентаризм институти фаолиятини йўлга қўйиш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилди. Биринчи марта Қонунчилик палатасида “Ҳукумат соати” ташкил этилиши, Олий Мажлис

палаталарида Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмиталари, Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари кўмитаси ташкил этилиши, 5 та қонун ва қатор қонуности ҳужжатлари унификация қилиниб, ягона Сайлов кодекси қабул қилинган, Сенатда Ўзбекистоннинг хорижий элчилари ҳисоботини эшитиш амалиёти жорий этилиши ислохотларнинг қисқа даврдаги катта натижаларидан ҳисобланади.

Янги Ўзбекистон стратегиясида маҳаллий вакиллик органларининг фаолияти энг илғор мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш асосида ташкил этилиши ва шу асосда давлат ҳокимияти тизимининг янгиланган, демократик тамойилларни тўлиқ ўзига мужассамлаштирган миллий андозаси яратилиши кўрсатиб ўтилди. “Электрон парламент”, “Электрон Халқ кенгаши депутатлари” каби замонавий концепцияларни ҳаётга изчил татбиқ этиш белгиланди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасида тараққиёт ҳудудий ривожланиш кўрсаткичлари билан белгиланади. Ўзбекистоннинг янги стратегияси, бу борада ўзига хос миллий тажриба сифатида, ҳудудларни ривожлантириш орқали марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш тамойилини олий мақсад сифатида белгилаб олгани билан ҳам аҳамиятлидир. Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортиги ҳудудларда иқтисомат қилишини ҳисобга олсак, масалан, жиддий экани кўзга ташланади. Бу йўналишда Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, бошқарув тизимида мутлақо янги — ҳудудларда секторлар фаолияти йўлга қўйилди. Пировардида, ўтган йилларда 3,5 миллиондан ортиқ оиладаги ҳолат ўрганилиб, 359 минг муаммо аниқланди ва уларнинг 67 фоизи ҳал этилди.

Маҳаллий ҳокимият органларининг қанчалик самарадор ташкил этилгани марказий ҳокимият сиёсий тараққиёти барометридир. Шу нуктаи назардан, жойлардаги ҳокимликлар фаолиятига доир мавжуд камчиликларнинг олдини олиш ҳамда тартибга солиш механизминини янада такомиллаштириш масаласи Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси сиёсий пойдеворини мустаҳкамлашнинг асосий шартларидан биридир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ўзининг янги ҳаёт сиёсий ривожланиш йўлини танлаб, “Ҳаракатлар стратегияси — Тараққиёт стратегияси сари” тамойилини амалга оширишни ўз олдига улкан мақсад қўйди қўйди. Зеро, халқ манфаатларини ўзига мужассамлаштирган ҳар бир давлат ва жамият тараққиёти барқарор ва бардавом бўлади!

Маҳмуджон БОЛТАБОВ,  
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт  
университети ректори, профессор

Яқинда жаҳоннинг етакчи олимлари 2025 йилгача эҳтиёж юқори бўладиган мутахассисликлар рўйхатини эълон қилди. Бу таркибга муаммони тўлиқ ҳал этадиган, танқидий фикрловчи, масалага кенг кўламда ижодий ёндашувчи, жамоани бошқара оладиган, одамлар билан муомала қилиш қобилиятига эга, мустақил фикр асосида қарор қабул қилувчи, музокара йўли билан кишиларнинг ишончини қозонувчи мутахассислар киритилган.



## ЯНГИ ЗАҒАРЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз узоқни кўра оладиган нуктадан сиёсатни сифатида дунё олимлари эътироф этган фазилатга эга мутахассисларни тарбиялаш, уларга муносиб шароитларни яратишдек эзгу ишларга аллақачон устувор аҳамият қаратиб келмоқда.

Ортада қолган йил сарҳисоб қилинса, юртимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз берди — иқтисодиётни ўстириш асосида халқимиз фаровонлигини ошириш, миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳисобига дунё давлатлари билан манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, миллий-маънавий ва умуминсоний қадриятларни улуғлаш эвазига кишиларнинг маънавий дунёсини бойитиш, таълим-тарбия жараёнига инновацион ёндашув асосида таълим сифатини янги босқичга кўтариш, мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари фаолиятини тубдан яхшилаш... Сана-сак адоғи йўқ. Энг муҳими, бу ўзгаришлар дунё ҳам-жамияти томонидан муносиб эътироф этилаётди.

Кишиларда эртанги кунга умид, ишонч, юртпарварлик ва бунёдкорлик руҳи устуворлиқ қила бошлади. Президентимиз ҳар қилишда эртанги кун пойдеворини мустаҳкамловчи, ташаббускор ғояларни тарғиботи, янги ҳаёт қилувчи ёшларга ишонч билдириб, Учинчи Ренессанс палласида мамлакат тақомиллини уларнинг келбадида кўра олди. Сифатли таълим олиш, креатив фикрлаш, инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ этиш, хорижий таълим муассасаларидан мутоқо қилишмайдиган илм даргоҳида таҳсил олиш, ўз ғоялари ва салоҳиятини дунё айвонида бемалол кўрсатиш, замонавий билим асосларини изчил ўрганиш Учинчи Ўйғониш даври ёшларига берилган кенг имкониятидир.

Президентимиз томонидан 2022 йил “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб номланди. Бунда уч муҳим ҳикмат бор.

Биринчидан, инсонларнинг манфаатлари таъминланган, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинган жамиятда кут-барака, тинчлик-хотиржамлик бўлади.

Иккинчидан, азалдан улуғ қадрият саналган кексаларни улуғлаш, тарбия ўчоғи ҳисобланган маҳалланинг шаъни, қадри ва қаддини янада кўтариш мамлакатимизда умрғуздорлик қилаётган барча миллатлар тотувлиги гаровидир.

Учинчидан, инсонлари қадрланган юртда янги-ланиш, юксалиш ва бунёдкорлик ислохотларини

ўтказиш ҳамда ундан салмоқли натижа олиш устувор аҳамият касб этади.

Яқинда кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармон лойиҳаси “Инсон қадри учун” тамойилга асосан ишлаб чиқилган. Етти устувор йўналишнинг ўз ичига олган лойиҳада 2 муҳим мақсадни таъкидламоқчиман.

Биринчиси, инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш.

Иккинчиси, мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик ҳаётда прагматик, фаол таъкил сиёсат олиб бориш.

Ҳужжат лойиҳасида ҳар бир вазирилик ва тизимларга вазифалар, маблағ, даромад манбаи ҳамда мuddатно механизмлари билан аниқ-тиниқ қилиб кўрсатилган. Халқ фаровонлигини таъминлаш, ҳаёт тарзини янада яхшилаш, бача аҳоли қатлами ижтимоий ҳимоялашни ўз ичига олган истиқболли вазифалар белгилангани билан аҳамиятлидир.

Хусусан, 2023 йил 1 январдан пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг базавий максимал миқдорини 12 баробаргача ошириш, аёлларга пенсия ҳисоблашда бола парваршини таътилади бўлган жами вақтини жамлаб, иш стажининг 3 йиллик даврини 6 йилга ошириш каби эзгу ташаббуслар ана шулар жумласидан.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшгача қаралган даврини пенсия тайинлаш стажига қўшиб ҳисоблаш, 2026 йилга қадар эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олиш эса инсон қадри учун деган тамойилнинг амалдаги ифодасидир.

Бир сўз билан айтганда, пировард мақсад — адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий шартига айлантириш, миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасига ошириш, адолатли ижтимоий сиёсат асосида инсон капиталини ривожлантириш, умумбашарий муаммоларга миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, ечим топиш, маънавий юксалишнинг янги босқичга олиб чиқишдек улғувор мuddаони рўёбга чиқариш.







БУГУННИНГ ГАПИ

ТАРБИЯ МАСАЛАСИГА  
ҲАММАМИЗ МАСЪУЛ

унда сеники, меники деган гап бўлмайди



Мунира ҚАҲҚОРОВА,  
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар  
институтини директори ўринбосари

Маҳалла — асрлар давомида халқимиз учун эзгулик ва тарбия бешиги бўлиб келган. Шу билан бирга, турли миллат вакиллари ўзига хос урф-одат ва анъаналари билан ҳам бирлаштириб турувчи маскан саналади.

Айни пайтда маҳалла одамларининг иссиқ-совуғидан хабардор бўлгувчи, ижтимоий-маънавий томондан ҳам ёрдам кўрсатувчидир. Айниқса, сўнгги йилларда боласи касал оилаларнинг дори-дармонига, рўзғорида камчилик бўлганларнинг кам-қўстига эътибор берадиган кўмакчига айланди. Оиласида мурасизлик келиб чиққанларга ҳам маҳалла масъулларининг ёрдам бераётгани унинг нуфузи, ҳаётимиздаги аҳамиятини оширишда муҳим омил бўлаётир.



Ханим Юрдушев олган сурат.

Бугунги кунда маҳаллани обод қилиш, аҳоли билан яқиндан ишлаш бўйича тизимли ишлар қилинмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Маҳалла обод бўлса — юрт обод бўлади. Маҳаллада ўзгариш бўлса — бутун жамият ўзгаради”**.

2022 йил **“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”** деб номланишида ҳам ҳикмат муҳассам. Бу билан маҳаллаларимиз тубдан ўзгариши, халқ билан кўпроқ ҳамнафас бўлиши, ижтимоий-маънавий муҳит янада соғломлаштирилиши, аҳоли, айниқса, ёшларнинг дунёқараши ўзгариши зарурлиги назарда тутилмоқда. Давлат раҳбари яхши яшаш учун ҳамма ўзгариши кераклигини кўп бора таъкидлаётгани ҳам бежиз эмас. Бугунги кун сергак туриши, ёшлар, маънавият, маҳалланинг фаоллиги масалаларида янгича қараш ва замонавий инновацион усуллардан фойдаланишни тақозо этяпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 19 январда ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги **“Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”** номи маърузаси маънавий соҳадаги ишларимизга дастуриламал бўлмоқда. Унга кўра, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам бериш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида **“Авлодлар учрашуви”** лойиҳаси, **“Бир зиёли — бир маҳаллага маънавий ҳоми”**, **“Бир нуруний — беш нафар ёшга мураббий”** тамойиллари асосида “маҳаллабай” ишлаш тизими яратилди. Уларга олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, ижодкор зиёлилари, ижтимоий фаол нурунийлар жалб қилинди. Айни пайтда ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан “маҳаллабай” ишлаш тизими бўйича алоҳида “йўл харита”лари ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланмоқда. Биргина мисол: Ўзбекистон халқаро ислом академияси томонидан Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла ёшлари учун бепул спорт тўғрақлари, чет тилларини ўрганиш ва компьютер саводхонлигини ошириш бўйича курслар ташкил этилди. Аҳоли орасида оилавий ахирларнинг олдини олишга қаратилган психологик тренинглар ўтказилди. Ёши улғур профессор-ўқитувчилар иштирокида маҳалла ёшлари билан учрашувларда зиёлиларнинг ёшларга ибрат бўлиши, жамиятда нурунийларнинг ижтимоий фаоллиги мавзусида суҳбатлар бўлиб ўтди.

Албатта, бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин, ютуқлар ўзимизники. Эндигликда маҳаллада маънавий-маърифий муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этишнинг аниқ ва самарали механизмларини яратиш зарур. Унда қуйидагилар алоҳида йўналиш сифатида белгиланишини гоят муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, аҳоли, айниқса, ёшларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш, севиб ўқийдиган китобларини социологик сўровнома

асосида ўрганиб, ҳар бир маҳалла биносида кутубхона ташкил этишни асосий вазифа қилиб белгилаш зарур. Шу билан бирга, аҳолини мутлоага қизиқтириш усулларини амалда жорий қилиш орқали аниқ ва манзилли ишларни ташкил этиш мақсадаг мувофиқ.

Иккинчидан, оилавий ажралиш арафасида турган ёки шундай бўлиш эҳтимоли юқори бўлган оилалар билан алоҳида ишлашни йўлга қўйиш керак. Бу борада оилалар ёшига қараб, психологик тренинглар ташкил этиш зарур. Мазкур йўналишда дин соҳаси вакиллари ҳам кенг жалб этиш муҳим ҳисобланади.

Учинчидан, ички туризмини ривожлантириш йўналишида маҳалланинг маънавий-маърифий ишларида энг фаол бўлган аҳоли қатлами тарихий обида ва маънавий меросларимиз жойлашган ҳудудларга саёҳатини ташкил этиш керак. Бу ўз маҳалласидан нарига чиқмаган кўлаб юртдошларимиз руҳиятига ижобий таъсир қилади, албатта.

Тўртинчидан, маҳаллаларда миллий қадриятларни аҳоли, айниқса, ёшлар онига синдириш йўналишида тарғиботнинг энг таъсирчан усулларидан кенг фойдаланиш зарур. Ҳар бир миллат ўзининг тили, урф-одати, анъанаси, маданияти, тарихи билан миллат ҳисобланади. Зотан, ўз миллий урф-одатимизни билмасак, унга риоя қилмасак, ундан ҳаётимизда, болаларимиз тарбиясида фойдаланмасак, етуқликка эришишимиз мушкул.

Халқимизнинг умрбоқий анъаналарини ўзида муҳассам этган миллий урф-одатларимиз — салолалиши, никоҳ, оила тутиш, фарзанд тарбияси, ота-онани ҳурмат қилиш, илм олиш, нонни эъозлаш, табиатни муҳофаза қилиш, миллий байрамларни, мотам маросимларини ўтказиш кабилар катта бир мактаб.

Аждодларимиз қолдирган маънавият хазинасидан ёшларимизни ҳам баҳраманд этиш, улар онгини маънан бойитиш кун тартибда доимий туриши керак бўлган масаладир. Хайриятки, биз эзгу анъаналаримиз, урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш имкониятига эга бўлган кўптуғ замонада яшаймиз. Уларнинг асл тарихини илмий асосда айтиб берадиган бўламиз. Шундай экан, мазкур илмий мерос асосида маҳаллаларда миллий қадриятларимизни аҳоли, айниқса, ёшлар онига кенг синдириш тизимини яратиш лозим. Бунинг учун тарғиботнинг энг таъсирчан усуллари ва механизмларини жорий этиш керак бўлади. Маҳаллаларда миллий қадриятлар ва миллий урф-одатларни аҳоли, айниқса, ёшлар онига синдириш ҳамда мунтазам тарғиб этиш тизимини яратишда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз:

Аввало, маҳалладаги мактабгача таълим ташкилотига бормайдиган болалар эътибордан четда қолмаслиги керак. Уларни ва боғчага борадиган болаларни бир даврага жамлаш, мақол, эртак, шеър куй-қўшиқлар ижросини ташкил

қилиш маълум маънода ўз натижасини беради. Боласида боғчага бориш истаги уйғонган ота-она қандай бўлмасин, бунинг имконини топишга ҳаракат қилиши мумкин. Ахир, мактабгача таълим-тарбия — инсон тарбиясининг энг муҳим даври-ку.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” лойиҳаси тайёрланиб, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланди. Мазкур концепция асосида оилада, шунингдек, таълимнинг барча босқичларида фарзанд тарбиясининг узлуксизлигини таъминлаш тизими ишлаб чиқилди. Мақсад — боланинг 25 ёшгача даврдаги маънавияти, ёшига мос кўникма ва маънавий қўтилаётган аниқ даражасини кафолатли таъминлашнинг илмий асосланган дастурий-методик таъминотини ташкил этиш.

Узлуксиз маънавий тарбия тизими оила, мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида ёшларни босқичма-босқич, узлуксиз маънавий тарбиялаш натижадорлигини кафолатлашга қаратилган педагогик операциялар, воситалар, методлар занжиридир. Ушбу тизимда воситалар эмас, балки у ёки бу фазилат, ижтимоий малакаи шакллантиришда кафолатланган натижага эришишнинг педагогик алгоритмлари режалаштирилиши назарда тутилган.

Президентимиз турли минтақалардаги тўқнашув ва низоларга тўхталиб, юртимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, турли ҳаф-хатарларга қарши курашни қўйиштириш шартлигини таъкидлаб, бу курашнинг оддий, ҳар биримиз амал қила оладиган йўлларини ҳам кўрсатиб берди. Яъни **“... ҳар биримиз бу масалага бефарқ бўлмасдан, ўз боламизни, ўз уйимиз, ўз маҳалламизни ўзимиз асрайдиган бўлсак, мен ишонаман, бундай бало-қазолар ҳаётимиздан албатта йироқ бўлади”**.

Демак, тарбия масаласи мунтазам кун тартибда туриши таъкидланмоқда. Умумтаълим мактабларида “Тарбия” фани жорий этилиши ҳам шундан, аслида. Мақсад — ёшлар маънавиятини бойитиш, бузғунчи ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларнинг онг ва ҳуқлини бунёдкор, эзгу ишларга йўналтиришдан иборат.

Қаҳалок учун икки нарса энг муҳим. Она сuti ва аллеси. Илгари қизларга ёшлик вақтларидан бошлаб алла айтиш ўргатилган. Эндигликда ҳам маҳалладаги мактаб ўқувчи-қизлари ўртасида “Алла” қўрик-танловларини ўтказиш зарур. Зеро, оналар қўшиги алла — қадриятдир. Унинг сеҳри ҳақида кўплаб афсоналар, ривоятлар ёзилган. Қолаверса, алла бола учун маънавий озуқа ҳисобланади.

Бугун болаларимизнинг қаҳрамони ким? Мультифильмлардаги ҳар хил хорижий образларми? Нега миллий эртақларимиз қаҳрамонлари тарғиботи сустлашмоқда?

Маҳаллаларда “Бобожоним эртақлари”, “Бувижоним эртақлари” номи танловлар ўтказилса, қандай яхши. Улар бобо ва бувилар яшайдиган хонадонларда ташкил этилса-чи? Видеоролик қилиниб, давлат ва нодавлат телеканалларида намойиш этиб борилса, янада соз бўлади. Оилаларда болаларга миллий эртақлар айтиш қадрияти қайта тикланишида бу жуда муҳим ўрин тутади.

Одатимизга кўра, қизларимизни оилага тайёрлаш ишлари оналар ва бувижонлар томонидан амалга ошириб келинган. Бугунги кунда айрим оилаларда бу одат ҳам сустлашиб борапти. Шу маънода маҳаллада “Оқила қиз” қўрик-танловини ўтказиш, “Қизлар давраси” тадбирини қайта тиклаш ҳам юксак тарбиявий таъсир касб этади. Уларда салоомлашиш одоби, пазандалик, оила бюджетини тежаб ишлатиш кабиларга урга берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу каби тавсиялар кўп. Аммо уни амалда жорий этиш биз, катталарнинг хоҳиш ва истагимизга, келажагимизга қанчалик эътиборли эканимизга боғлиқ.

Йиллар ўтаверади, аммо авлодларимиз таълим-тарбияси, уларнинг маънавиятига жавобгарлик масаласи сизу бизнинг зиммасида қолаверади. Бугун тарбия масаласини сеники ёки меники деб эмас, ҳаммамизники, шу халқники деган қараш, бунинг учун ҳамжиҳатликда ишлаш қўтилган самарани беради. Зеро, Янги Ўзбекистонни бунёд этишдек юксак мақсад барчамиз учун шараф ва юксак масъулиятдир.



ҲОЗИР ЮРТИМИЗДА  
ҲУНАРМАНДЛИКНИНГ  
34 ТУРИ МАВЖУД

ёхуд ҳунармандлар учун имтиёзлар

Улғубек САИДОВ,  
Республика “Ҳунарманд” уюшмаси  
бош мутахассиси

Халқимиз, “**Хунар — хунардан ризқ унар**”, дея бежиз айтмайди. Уста наққошлар дуралдорлар, қосибу чеварларнинг хунари самарасидан турмушимиз тўкинлиги, юрт фаровонлиги ортади. Бугунги кунда мамлакатимизда яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити хунармандлик ва тадбиркорликка ҳукумат миқёсида катта эътибор қаратилаётгани самарасидир.

Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги “Хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори хунармандларга имкониятлар эшигини янада кенг очди, дейиш мумкин.

Айниқса, қарорда таъкидланганидек, миллий хунармандлик, халқ бадий ва амалий санъатини ривожлантириш, соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда “Хунармандчилик марказлари” ва “Уста-шогирд” мактаблари қўйади. Бунинг натижасида банд бўлган ёшлар сони ошмоқда. Жойларда субсидия ажратиладиган хунарманд ва шогирдлар ҳисоби “Хунарманд” уюшмаси томонидан юритилиб, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорлигини ривожлантириш агентлигининг “Онлайн маҳалла” электрон платформаси билан интеграция қилинаётир.

Хунармандлар мероси авлоддан-авлодга ўтиб келаётгани ёшларнинг яширин иштиёқлари юзага чиқишида муҳим омил бўлади. Шунингдек, фарзандларда ўз ота-оналаридан фахрланиш тўғриси ҳам шаклланади.

Хунармандларнинг халқ амалий санъати миллий каталог яратилгани ҳам кўплаб уста хунармандларни кашф этиб, дунёга танитишга хизмат қилмоқда. Халқаро кўргазма ва турли танловларда ғолиб бўлаётган хунармандларнинг рағбатлантирилаётгани, уларнинг мазкур каталогдан ўрин олаётганидаги қувончини сўз билан ифодалаш қийин. Бу бевосита оилавий муҳитга ҳам ижобий таъсир кўрсатувчи омилдир. Зеро, бунда хунарга меҳр қўйиш, болалик орзулари, фарзандлар камолоти билан уйғунлашиб кетадиган қадриятлар мужассам.

Аввало, ҳар бир касбга астойдил иштиёқ ва эътиқод бўлиши лозим. Уста хунарманд номини олиш кўплаб устозлар раҳнамолигида касб сирларини ўрганиш жараёнида амалга оширилади.

Янги йил бошида “Хунарманд” уюшмаси томонидан хунармандлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чоралари ишлаб чиқилди. Бунда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилаётган маблағларнинг 500 миллиард суми шундай лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади. Хусусан, имтиёзли кредитлар уларни амалга ошириш учун 6 ойгача имтиёзли давр билан 225 миллион сўмгача оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастурлари доирасида қўзда тутилган шартларда ажратилади. Албатта, хунармандлар лойиҳаси тижорат банклари билан ҳамкорликда баҳоланиб, молиялаштирилади.

Бу йўлда яна бир муҳим жиҳат шундаки, кўплаб хунармандлар истагига мувофиқ, имтиёзли кредитлар хунарманднинг талабига кўра, нақд пул олиш имконияти билан ҳам тақдим этилади. Шунингдек, имтиёзли кредит ажратиш бўйича “olakkredit.uz” электрон платформасида хунармандларни онлайн навбатга қўйиш ва уларнинг лойиҳаларини кредитлаш учун алоҳида бўлим ишга туширилади. Азалдан узвий қадриятимизга айланган “уста-шогирд” анъаналари асосида ёшларга хунар

ўргатаётган хунармандларга шогирдлар тайёрлаш ва уларни иш ҳақи билан таъминлаш, зарур ҳомашё сотиб олиши учун 6 ой давомида ҳар ойда БҲМнинг 2 баробаридан кам бўлмаган миқдорда имтиёз берилади.

Бугунги хунармандчилик соҳасидаги ютуқларимиз замирида шогирдларни фидойиларча тарбиялаган, юртимиз ардоқлаган хунарманд устозларнинг машаққатли меҳнатлари ётибди, дейиш мумкин. Мустақил фаолият бошлаши учун уларнинг ўз шогирдларига зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиши фидойиликнинг амалдаги қўринишидир. Шу маънода, усталарга интернет сайтларини ташкил этиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатларининг 50 фоизи, бироқ БҲМнинг 25 баробари миқдордан ошмайдиган қисмига субсидиялар ажратиш тартиби жорий этилади.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган қарориди шу каби қўллаб-қувватлаш чоралари белгилангани соҳада бандликни ошириш, аҳоли даромадларини кўпайтириш учун ҳам кўпроқ имкониятлар яратди.

Қарорнинг 6-бандида хунармандлар ўз ишининг натижаси бўлган маҳсулотлар сотиши учун савдо павильонларини ташкил қилишга алоҳида урғу берилган. Албатта, хунарманднинг ўз иши натижасини моддий шаклда қўриши унга катта рағбат беради. Қарорнинг 8-бандида бу ишлар жорий йилнинг 1 апрелига қадар йўлга қўйилиши хунармандларни янада хурсанд қиладиган янгиллиқдир. Шунингдек, “Хунармандчилик маркази” ва турли устахона биноларини қўриш ва фойдаланишга топшириш ишларини янада жадаллаштириш лозим бўлади.

Мамлакатимизда хунармандлик азалдан яхши ривожланган. Болалиқдан хунар ўрганиш, яратган маҳсулоти ва меҳнати билан одамларга наф келтириш халқимизнинг миллий қадриятига айланган. Хунар турлари эса асрлар давомида кенгайиб, янги йўналишда ва мактаблар билан бойиб борган. Айни пайтда юртимизда хунармандчиликнинг 34 тури мавжуд. Хунармандларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш, бунинг учун уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, соҳага халқаро молия институтлари инвестицияларини жалб этиш заруратини келтириб чиқаради. Бу омиллар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси, тижорат банклари масъул ходимлари зиммасига ҳудудларнинг ўзига хос хусусият ва анъаналаридан келиб чиқиб, туманлар кесимида аниқ режа ишлаб чиқиш, ҳар бир хунармандга этиб бориш вазифасини ҳам қўймоқда.

Юқорида таъкидланган қарор шартларига мувофиқ, ҳар бир вилоятда махсус кўргазма ва ярмаркалар ташкил этилиб, уларда хунармандлар бепул иштирок этади. Шунингдек, уларнинг хорижий давлатларда ўтказиладиган кўргазма, фестивал ва ярмаркаларда қатнашишига қўмақлаштилади. Бу эса қўлғул усталарга ўз маҳсулотларини бозор ва супермаркетларда сотиши учун кенг имконият яратади, хоҳласа, ўз хонадонда дўкон очиш имтиёзини ҳам беради. Доимий савдо жойига эга бўлмаган, вақтинчалик жойларда савдо қилаётган хунармандларга савдо қилиш қоидалари асосида талаб этиладиган касса аппарати ва савдо терминалидан фойдаланиш ҳамда тижорат банкларига савдодан тушган нақд пулни инкассация қилиш талаблари ихтиёрий этиб белгиланади.

Шунингдек, хунармандларнинг экспорт фаолияти ҳам рағбатлантирилади. Уларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушган хорижий валютани эркин тасарруф этиш, жумладан, банк ҳисобрақамларидан хорижий валютани нақд ҳолда олиш ҳуқуқи берилади.

Хулоса қилиб айтганда, бундай имтиёзлар, қўлайликлар, эътибор ва эътирофлар мамлакатимизда хунармандликнинг янада ривож топиши, унинг дунё миқёсидаги нуфузи бундан да ортишига сабаб бўлади.